

Абдурафаров А.

ISSN 0134—6245

Iqtisodiyotni
modellashtirish va
axborotlashtirish
masalalari

Вопросы
моделирования и
информатизации
экономики

20

Toshkent

**К.А. Мамажонов, Н.А. Абдугафарова,
Д.М. Расулов, Ш.А. Норкулов**

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА СОЛИҚ ТУШУМИНИ БАЗОРАТ ҚЫЛЫШ

Бозор иқтисодиётiga ўтиш муносабати билан давлат бюджетини шаклланиши күпроқ соликлэр тушумига боғлиkdir. Шунинг учун ҳам солик турлари билан бюджет таркиби орасида муайян алокадорлик мавжуд бўлиб, бирининг ўзгариши албатта иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, давлат бюджети таркиби бошқа бир қатор омиллар - фойда, даромад, қўшимча киймат, акциз, ер, мулк ва бошқа соликлар ва уларни ставкаларига боғлиkdir. Агар бу омиллардан бири ўзгарса, бунинг натижасида давлат бюджетига тушадиган тушумлар миқдори ҳам ўзгаради. Бу эса ўз навбатида давлат хизматчиларчнинг маошлари, нафакалар, давлат ва миллий дастурларини ва бошжаларни молиялаштиришининг ўзгаришига сабаб бўлади. Худди шунинг учун ҳам давлат бюджети ва унга тушадиган солик тушумларини ўрганишда омиллар ўртасидаги боғланишини аниклаш муҳим аҳамиятга эгаdir.

Маълумки, 2000 йилда солик сиёсатига сезиларли ўзгартришлар киритилди [1]:

• Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Жисмоний шахсларни соликка тортиш тизимини такомиллаштириш хакида” ги карорига мувофик, 2000 йил 1 январидан бўшлаб жисмоний шахслар учун ёнг юкори даромад солиги 45% дан 40%гача камайтирилди. 2001 йил 1 январдан эса 36% килиб белгиланди.

• 1999 йил 31 декабридан фойда солиги 33%дан 31%гача кискартирилди (1998 йилда фойда солиги 35%ни ташкил этган эди).

• Якка тартибдаги меҳнат фаолияти ёйлан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун белгиланган солик ставкаси оширилди. Солик ставкаси фаолият тури ва маҳаллий шароитларини хисобга олган ҳолда маҳаллий ҳокимиёт органлари томонидан 2 дан 30 гача бўлган минимал иш хаки микдорида белгиланади.

• Кўшимча киймат солиги (ККС) 20% даражасида сакланиб колинди. Ижтимоий жиҳатдан мудим бўлган маҳсулотларга киритилган 15%ли имтиёзли кўшимча киймат солиги бекор килинди.

• Ресурслардан фойдаланиш солик ставкаси оширилди. Бундан мақсад, табиий ресурслардан самарали фойдаланишни тъминлаш ва ресурс тўловларининг бюджетдаги ролини ошириш эди. Бунда сувдан фойдаланганлик учун солик ставкалари икки баробар ошли, кишлоп ҳўжалик ишлаб чиқариши учун ер солиги ставкалари 20% га ошли. Табнатни муҳофаза килиш ва чиқинтиларни республика худудида жойлаштириш чораларини амалга ошириш максадида атроф-муҳитта захарловчи моддаларни чиқарганлик учун тўловлар киритилди.

• Меъордан ортиқча тайёр маҳсулотлар колдиги учун олинадиган солик 2% даражасида белгиланди. Айни шу пайтда, микдори рухсат берилгандан кўпроқ бўлган саноат молларини захиралари учун тўловлар бекор килинди.

• Маҳаллий солик ставкалари (масалан, транспорт воситаларини

кайта сотиш солик ставкаси, автомобиллар тұхташ жойи учун түловлар, саудо фаолиятини олиб бориши лицензияларига бўлган солик ставкалари) оширилди. Бундан максад, маҳаллий бюджетларнинг тушум базасини мустаҳкамлаштириш.

• Соғликни саклаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастурини ва кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга ошириш жараёнида соғликни саклаш ташкилотлариниң ва таълим тизими ташкилотларининг пуллик хизмат кўрсатишдан олган даромадлари 2 йилгача соликлардан озод қилинади.

Давлат бюджетига таъсир этувчи омилларнинг кўплиги, унга тушадиган тушумларнинг қайси бири қай даражада таъсир этишини аниклашни мураккаблаштиради. Шунинг учун статистик усуллардан фойдаланиб, омиллар орасидаги кўпомилли корреляцион боғликлекни аниклаш бу муаммони ҳал этишга ёрдам беради.

Кўпомилли корреляцон тахлил ёрдамида асосан икки турдаги масала ҳал қилинади: омиллар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи регрессия тенгламасини аниклаш ва уни маълум даражада ишончлилик даражаси билан баҳолаш; боғланиш зичлигини аниклаш, омиллар (x_i) ва натижавий белги (y) срасидаги муносабатларини тахлил қилиш ва уларни келажакда қандай ўзгаришини прогноз қилиш.

Давлат бюджетига соликлар тушумини 1992-1999 йиллардаги динамикаси (фонзларда) 1-жадвалда келтирилган.

Мазъумотлар тахлили шуни кўрсатдики, кузатилаётган даврда Давлат бюджети таркибида корхоналардан олинадиган фойда солиги улуши камайиб бормокда: 1993 йилда 28 фонзни ташкил килган бўлса, 1999 йилда 15,2 фонзга тушиб қолган. Аксинча, жимоний шахслардан олинадиган даромад солиги улиши (солик ставкасини камайганига қарамасдан) ошиб бормокда: 1992 йилда 8,9%, 1999 йилда 14,1%. Бу кузатилаётган даврда аҳолини даромади ортиб бораётганидан далолат

беради. Күшімча киймат ва акциз соликлари динамикаси нобарқарор бўлиб, Давлат солик сиёсатига кўпроқ боғликтир. Ер ва мулк солиги ва бошка соликларни улушлари ҳам кузатилаётган даврда ортиб борган.

1-жадвал

Соликлар		Йиллар								
номи	Белгиси	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	
Фойда солиги	x_1	21	28	28,5	30,9	25,7	23,7	18,9	15,2	
Даромад солиги	x_2	8,9	10,1	10,3	10,3	10,3	12,4	12,8	14,1	
ККС	x_3	32,6	32,5	22,2	20,5	17,6	24,2	30,0	24,8	
Акциз солиги	x_4	32,8	21,0	32,8	28,6	20,0	14,0	19,0	27,7	
Ер ва мулк солиги	x_5	0,3	0,7	1,63	5,0	18,9	18,1	11,9	10,9	
Бошка соликлар	x_6	4,4	5,7	4,6	4,7	7,5	7,6	7,4	7,3	
Жами	y_1	100	100	100	100	100	100	100	100	

Шаҳсий ЭХМда "Макро" дастури билан 1-жадвалдаги маълумотлар асосида қуйидаги кўпомилии регрессия тенгламаларини ишлаб чиқдик:

а) тўғри чизиқли боғланиш бўйича

$$y = -235,1 + 1,439x_1 - 0,207x_2 + 2,715x_3 - 1,416x_4 + 4,724x_5 + 12,41x_6$$

$$R = 0,435; F = -0,32; E(\%) = 260,0;$$

б) логарифмик боғланиш бўйича

$$y = 465,3 - 472,9 \times \ln(x_1) + 294,3 \times \ln(x_2) + 75,15 \times \ln(x_3) + \\ + 56,73 \times \ln(x_4) + 10,29 \times \ln(x_5) + 68,67 \times \ln(x_6);$$

$$R=0,996; F=23,48; E(\%)=580,54;$$

в) гиперболик боғланиш бўйича

$$y = 345,2 + 10730/x_1 - 6447/x_2 - 12580/x_3 + 1501/x_4 - 81,59/x_5 + 3496/x_6$$

$$R = 0,759; F = 0,23; E(\%) = 590,99;$$

г) параболик бөлганиш бүйича

$$y = -41,93 + 0,631x_1^2 - 0,947x_2^2 + -1,136x_3^2 - 0,794x_4^2 - 3,54x_5^2 + 26,52x_6^2$$

$$R = 0,53; F = -0,67; E(\%) = 4995,0;$$

д) даражали бөлганиш бүйича

$$y = 7,369 \times x_1^{0,1978} \times x_2^{0,2732} \times x_3^{0,1356} \times x_4^{0,1773} \times x_5^{0,0742} \times x_6^{0,1063}$$

$$R = 0,995; F = 4696,44; E(\%) = 0,17.$$

Хосил киллинган регрессия тенгламалари воситасида 2000-2003 йиллар учун бюджетта соликлар тушуми (млрд сўмда) прогноз килинди (2-жадвал).

2-жадвал

Модел тури	Йиллар			
	2000	2001	2002	2003
Чизикли	1375,922	1776,308	2218,839	2703,516
Логарифмик	531,725	545,449	556,630	566,025
Гиперболик	369,071	365,186	362,102	359,642
Параболик	4163,328	6349,083	9292,822	13152,900
Даражалик	767,120	951,749	1154,273	1374,584

Прогноз натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, ишончли прогноз даражали регрессия тенгламаси оркали олинган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. - Брюссел: Тасис, 2000.